



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: info@xs.uz



2018 йил 16 октябрь, № 214 (7172)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**15 октябрь куни Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
Туркменистон Президенти
Гурбангули Бердимухамедов билан
телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Сўхбат аввалида мунта-замлик касб этган олий даражадаги мулоқот ва учрашувлар қардош халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини, ўзаро ҳурмат, қўллаб-қувватлаш ва манфаатларни ҳисобга олиш таъминлаш асосида мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга, икки томонлама фойдали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Осиё — Тинч океани телерадиоэширтирувчилар уюшмаси мукофоти соҳиби бўлгани билан самимий табриклади.

Жорий йил август ойида Авазада Туркменистон Президенти раислигида муваффақиятли ўтказилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммитининг самарали натижалари юқори баҳоланди. Экология масалалари, жумладан, Орол ҳалокати оқибатларини бартараф этиш Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти учун ниятда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Туркменистон Президенти

давлатимиз раҳбарига самимий табрик учун миннатдорлик билдириб, икки томонлама муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Хўдудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар аламушувларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Хусусан, жорий йил 14 октябрь куни Термиз шаҳрида Туркменистон ижодий жамоалари иштирокида концерт муваффақиятли ўтгани таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда оширишни таъминлаш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

Иш ҳақи — ойига 202 730 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 396 500 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 396 500 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 243 300 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг қуйи разрядлари тариф коэффицентларини ўртача 10 фоизга, шу жумладан, 1-разряд бўйича 15 фоизга, 2-разряд бўйича 10 фоизга ва 3-разряд бўйича 5 фоизга ошириш орқали меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг жадал равишда оширилишини кўзда тутган ҳолда 2019 йил 1 январдан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта қўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳисобидан сақланадиган ташкилотларда банд бўлган универсал касблар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларни танқидий қўриб чиқсин ва 2019 йил 1 январидан уларнинг янгиланганларини жорий этсин;

Халқаро молиявий институтлар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг унинг натижалари, бажарилаётган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва масъулияти билан янада узвий боғлиқлигини таъминлашни назарда тутадиган Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш концепциясининг ишлаб чиқилишини ва 2019 йил 1 сентябрга қадар муддатда киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим машошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги қорхона ва ташкилотларга иш ҳақининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига мазкур Фармоннинг қабул қилинишидан сўнг қўшимча харажатларни қоплаш учун тегишли бюджетлар параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5469-сонли Фармони унинг 6-банди истисно қилинган ҳолда 2018 йилнинг 1 ноябидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон ва Россия:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК — АМАЛДА

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга қўйилган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Таҳлил

Мулоқотта икки томонлама интилиш, Россия Федерацияси билан кўп томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлаш аввал ҳам Ўзбекистон ташқи сибасатининг

стратегик йўналиши бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон ҳамда Россия ўзқоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратишга, бугунги кунга келиб икки томонлама алоқаларнинг энг муҳим йўналишларини

белгилаб берган ҳамда 337 тага етган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлардан иборат пухта шартномавий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишга эришди.



Россиялик экспертлар:

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Францияга, шу орқали Европа иттифоқига илк расмий ташрифини амалга оширди. Унинг аҳамияти ҳақида турли мамлакатларнинг эксперт доиралари ўз мулоҳазаларини баён қилмоқда. Хусусан, россиялик таҳлилчиларнинг фикрлари “Sputnik” агентлиги томонидан эълон қилинди.

ДУНЁНИ НИГОҲИ



**Виктория ПАНФИЛОВА,
“Независимая газета”
шарҳловчиси, Марказий Осиё
бўйича эксперт:**



— Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг Парижга ташрифи билан, таъбир жоиз бўлса, иккинчи доира мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатилишининг янги босқичини бошлаб берди. Биринчи доирада Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар, Россия, Хитой, Туркия ва Ҳиндистон қамраб олинган эди. Франция эса ўзбек етакчиси ўз лавозимига киришганидан буён сафар қилган дастлабки Европа иттифоқи мамлакатиди бўлди. Қолаверса, бу Ўзбекистон раҳбарининг Парижга сўнгги 20 йилдан зиёд вақт ичидаги илк ташрифидир.

Географик узоқлик, иқтисодиёт, умуман, ҳаёт тарзи тўлиқлигидаги фарқларга қарамай, Франция ва Ўзбекистон ўртасида қандайдир

ўхшашликлар мавжуд. Ҳар икки давлат ўз минтақасидаги ўрнини мустаҳкамлашга интилоқда ва ташқи сиёсий фаоллик кўрсатяпти. Елисей саройида Макрон ва Мирзиёев томонидан минтақавий ва халқаро кун тартибидидаги сиёсий, шу жумладан, хавфсизлик муаммолари ва терроризмга қарши кураш масалалари муҳокама қилинган бежиз эмас. Макрон терроризмга қарши кураш мавзусини аллақачон Франция дипломатиясининг устувор йўналишига айлантирган. Унинг устидан ғалаба қозониш Афғонистондаги можарони ҳал этиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган Ўзбекистонга ҳам боғлиқ. Бир қатор белгиларга қараб ҳулоса қиладиган бўлсак, Франция Ўзбекистон учун Фарб дунёсига етакловчи ва Европадаги биринчи сиёсий ҳамда иқтисодий шерикка айланиши мумкин.

**Андрей КАЗАНЦЕВ,
Москва давлат халқаро
муносабатлар институти таҳлил
маркази директори, сиёсий
фанлар доктори:**

— Франция немис — француз жуфтлиги шаклланган ЕИда ҳал



қилувчи ўрин тутадиган энг кучли давлатлардан бири ва ўтган асрнинг 90-йилларидан буён Марказий Осиё минтақасига унинг муайян қизиқишлари бор. Ҳозир французлар, ўзлари эътироф этганидек, Ўзбекистонни қайтадан кашф қилаётир. Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон иқтисодиётига француз бизнесининг эътибори кучаймоқда. Бу эса ҳам мазкур мамлакатда, ҳам бутун Марказий Осиёда юз бераётган ижобий ўзгаришлар натижасидир.

Расмий Тошкентнинг Францияга қизиқиши ўз-ўзидан маълум. Ушбу интилишнинг моҳияти Мирзиёев Ўзбекистонни бутун дунёга очаётганида намоён бўлади. Бу жиҳатдан дипломатик прагматизмининг ўрнини ҳам ёдга олиш жоиз. Чунки иқтисодий ўсиш суъратларини ошириш учун республикага инвестициялар зарур. Айнан шу мақсадда мамлакатда маълум

маънода сиёсий либераллашув амалга оширилмоқда, давлатнинг халқаро имиджи яхшиланыпти. Буларнинг барчаси инвестициялар жалб қилиш учун имкониятлар яратди. Европалик сармоядорлар ушбу жараёнда ўзига хос ўрин туттиши мумкин.

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон ўртасидаги расмий Тошкентнинг “ThalesAleniaSpace” билан қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасидаги келишувларини мазкур ташрифнинг нафақат аjoyиб натижасигина эмас, ҳатто “дурдонаси” дея таърифлаш мумкин. Коинот ва мудофаа соҳасида Европада етакчилардан бири бўлган ушбу компаниянинг йиллик савдо айланмаси 18,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу битим Ўзбекистон, унинг ортидан бутун Марказий Осиё учун интеграциялашган сунъий йўлдош тизимлари бўйича ҳамкорликдан тортиб, Ўзбекистонни кенг йўли сунъий йўлдош алоқасига улаш учун инфратузилма яратишгача бўлган технологияларнинг янги оқимини очиб беради.

**Игорь ПАНКРАТЕНКО,
Стратегик баҳолаш ва
прогноزلар маркази бош
директори ўринбосари:**

— Париж ва Тошкент Ўзбекистонда коинот соҳаси учун саноат базасини барпо этишга киришди ва бу маҳаллий кадрларни тайёрлаш ҳамда жалб этиш орқали амалга оширилади. Париж ҳам, “ThalesAleniaSpace” раҳбарияти ҳам Тошкент билан келишувга катта муваффақият деб қараётгани,

ш у б ҳ а с и з .
Лоақал Фран-
ция учун
ҳозирча Мар-
казий Осиё-
нинг Россия
томоидан
эгалланган
с у н ѳ и й
йўлдош сиг-
наллари бозори-
га йўл очилаёт-
ганини ҳисобга
олсак ҳам, шун-
даги ҳулоса қи-
лиш мумкин. Аэро-
навтика, коинот,
мудофаа ва кибер-
хавфсизлик соҳа-
ларида фаолият
юритадиган “Tha-
lesAleniaSpace”
компанияси эса
ишлаб чиқариш
базасини кенга-
йтириш ва ўз мах-
сулотлари учун
янги харидорлар
топиш имкони-
га эга бўлади.



Француз томони учун муваффақиятлар кўпроқ “микродор” жиҳатдан аҳамият касб этса, Ўзбекистон сон эмас, сифатга эга чиқади. Чунки ушбу келишувлар, ҳеч муболоғасиз маҳаллий саноатга космик истиқболларни очиб беради ва бошқа барча ижобий натижалар билан бир қаторда Тошкентнинг минтақадаги мақомини кескин оширади. Французларнинг таклифидан сўнг расмий Тошкентга Пекин, Москва, Нью-Дехли ва Анкара томонидан ҳам жиҳдий таклифлар келиши мумкарар, деб ҳулоса қилинган “Sputnik” материалида.

**Б. ҒОҒУРОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда) **105-моддасининг биринчи қисмидаги** «икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини» деган сўзлар «раисни (оқсоқолни)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРК-350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 21-модданинг:
бешинчи қисмидаги «ва уларнинг маслаҳатчилари» деган сўзлар «чиқариб ташлансин»;
олтинчи қисмидаги «ва маҳаллалардаги» деган сўзлар «чиқариб ташлансин»;
2) 23-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«23-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолни) сайлаш

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сайланади.

Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолни) сайлаш тартиби қонунда белгиланади».

3-модда. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолнинг) навбатдаги сайлови 2019 йил май ойида ўтказилсин.

Фуқаролар йиғинлари амалдаги раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг ваколатлари муддати 2019 йил май ойида фуқаролар йиғинларининг янги расмлари (оқсоқоллари) сайлангунига қадар узайтирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 15 октябрь
№ ЎРК—498

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Фуқароларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга таъсир кўрсатишга, шунингдек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч қим ҳаққи эмас.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шахарча, қишлоқ, овул, шунингдек шахардаги, шахарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида (бундан буён матнда тегишли ҳудуд деб юритилади) доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

4-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.
5-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ошқоралик
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш очиқ ҳамда ошқора амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқиф этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунлари тўғрисида хабардор қилинади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар тўғрисидаги ахборот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларига сайлов ўтказилишидан камдада беш кун олдин жойлаштирилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади.
6-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловининг муқобиллик асосида ўтказилиши
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.
7-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишда тенг сайлов ҳуқуқи
Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқishi, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.
8-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини томонидан, фуқаролар йиғинини чакiriш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан уч йилга сайланади.
9-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда давлат органлари фуқаролар йиғинларига қўмаклашди, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шарт.
2-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш
10-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камиди икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.
11-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) унинг таркибига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши вакиллари албатта киритилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тузилади. Республика комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин. Республика комиссиясининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради: фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; комиссияларнинг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; сайлов яқунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг ижро аппарати Республика комиссиясининг ишчи органидир.
12-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссияларни тузиш
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар,

Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудида тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг қарори билан тузилади. Комиссиялар фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёҳуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

Тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг ижро аппаратлари комиссияларнинг ишчи органларидир.

13-модда. Комиссияларнинг ваколатлари
Комиссиялар ўз ваколатлари доирасида: фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб боради; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириб боради; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этади; ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллик нормасини белгилайди; ишчи гуруҳлардан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун қабул қилиб олади; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланадиган сайлов бюллетенларининг намуналари мустасно; ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборотни эшитади; тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунларини чиқаради ҳамда Республика комиссиясига ахборот тақдим этади; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муροжаатларини кўриб чиқади; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга ёки идоравий архивга топширилишини таъминлайди.
14-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ишчи гуруҳ ўз фаолиятини тугатади. Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёҳуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.
15-модда. Ишчи гуруҳнинг ваколатлари
Ишчи гуруҳ: фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камдада беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролари хабардор қилади; ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказади; ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузади; тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар бўйича тақлифларни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда тайёрлайди; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради; фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) такрорий сайлови, шунингдек бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилишини ташкил этади; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муροжаатларини кўриб чиқади.
3-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тартиби
16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камдада ўн кун олдин тақдим этади. Ҳўжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади. Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳўжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган ҳулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади. Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камдада беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.
17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида

тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камдада беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёҳуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёҳуд ўта оғир жиноятлари содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

4-боб. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш тартиби
18-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чакiriш
Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган тартибда чакiriлади ва ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади. Ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқаролар, қоида тариқасида, фуқароларнинг вакиллари бўлиши мумкин. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар фуқаролар вакиллари ёҳуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар фуқаролар вакиллари таркибидан чиқарилади. Вакиллик нормасини тегишли комиссия белгилайди. Бунда фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳўқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камдада ўн икки фоизини ташкил этиши керак.
19-модда. Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартиби
Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, қуйдаги масалалар киритилади: саноқ комиссиясини сайлаш; фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш. Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) иш регламенти, шу жумладан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳаамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан камдада уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади. Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ҳар бирига сўз беради. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибида ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади.
20-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда овоз бериш шакли
Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.
21-модда. Овоз беришни ўтказиш тартиби
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича овоз бериш ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенлари (бундан буён матнда бюллетень деб юритилади) саноқ комиссияси томонидан берилади. Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади. Бюллетень овоз берувчи томондан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўндирилади. Овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёклаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка «+», «✓» ёҳуд «х» белгисини қўяди. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади. Бюллетенларнинг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.
22-модда. Овозларни санаб чиқиш
Овозлар саноқ комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.
23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси
Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади ва баённома саноқ комиссиясининг раиси ҳамда аъзолари томонидан имзоланади. Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларининг умумий сони; овоз беришда иштирок этган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчилари сони; овоз бериш ўтказилганда бюллетенлар олган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчилари сони; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ҳар бир номзодни ёклаб берилган овозлар сони; овоз бериш ўтказилаётганда ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони. Саноқ комиссиясининг баённомаси саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан тасдиқланади.
24-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови яқунларини чиқариш
Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) сайлов яқунлари бўйича қарор қабул қилади, бу қарор фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси икки нусхада тузилиб, бир нусхаси сайлов яқунларини умумлаштириш учун тегишли туман ва шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунларига доир умумлаштирилган маълумотларни оқори турувчи комиссияга топширади.

25-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш
Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлиқлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.
26-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида такрорий овоз бериш
Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади. Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган ҳисобланади.
27-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади, агар: аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса; такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса; фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) такрорий сайлови ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан ўтказилади.
28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови
Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.
29-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари устидан шикоят қилиш
Фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижалари бўйича қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.
5-боб. Яқунловчи қоидалар
30-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови натижаларга

Ўзбекистон ва Россия: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК — АМАЛДА



Ўзбекистон қоғозда мавжуд бўлган келишувлар ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни нафақат тезроқ амалда рўёбга чиқариш, балки истиқболли йўналишларда ҳам ҳамкорлиқни кенгайтириш ниятида. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи чоғида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан музокаралар якунларига қўра, аввал ҳеч кузатилмаган ҳажмда — 16 миллиард АҚШ долларини 55 та битим имзолангани ушбу мақсаднинг амалий ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари қайд этиб ўтганидек, ҳар икки томондан бўлаётган интилишлар ҳамкорлик алоқаларимизни янги амалий мазмун, мақсадли вазифалар, аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойи-тади.

Хозирги кунгача эришилган амалий натижаларга қараб айтиш мумкинки, 2017 йил апрелдаги ташриф, ҳеч шубҳасиз, муҳим та-рихий аҳамият касб этди ва икки томонлама алоқаларда бурилиш нуқтасига айланди. Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг янги босқичи расмий Москва ва Тош-кент ўртасидаги сиёсий мулоқот-ларга ишонч бахш этди. Мазкур ташриф амалда давлатларимиз учун деярли барча даражада ва ҳар бир долзарб йўналиш бўйи-ча ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш учун кучли туртки берди.

Ўзбекистон ва Россия етакчи-лари эришган келишувлар ўтган йил натижаларига мувофиқ, то-монларга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар со-ҳаларда, шунингдек, хавфсизлик масалаларида амалий натижа-ларга эришиш имконини берган изчил, турли даражаларда бир-галликдаги ҳаракатлар учун асос бўлди. Ҳамкорлиқни ривожланти-риш бўйича махсус ишлаб чиқил-ган “йўл харитаси”ни ҳаётга та-тиқ этиш асосида ҳар икки то-мон ҳукуматлар, парламентлар ва бизнес доиралари ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар-ни фаоллаштирди, қолаверса, ҳудудлар даражасида алоқалар-ни йўлга қўйиш жараёни бош-ланди.

Ҳамжиҳатликда янги марралар сари

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон — Россия муносабатларининг

сўнгги икки йилида мамлакатла-римиз ҳамкорлиқнинг кўплаб со-ҳаларида ижобий натижаларга эришди.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг Россия билан алоқалари бутун мажмуининг асосини ўзаро ман-фаатли савдо-иқтисодий муноса-батлар ташкил этади. Коопера-цияни чуқурлаштириш бўйича икки мамлакат томонидан қўйил-ган қадамлар Ўзбекистон ва Рос-сия савдо алоқаларига янги суръ-ат бағишлади. Хусусан, 2017 йил-да икки томонлама савдо айлан-маси 20 фоиз ўсди ва 5 милли-ард долларга етди, айни пайтда Россия инвестицияси ҳажми 8,5 миллиард доллардан ошиб кетди. Шу тариқа, Россия Ўзбе-кистон ташқи савдо ҳажмида ало-ҳида ўрин тутган ҳолда, респуб-ликамиз учун муҳим савдо-иқти-содий шерик мақомида эканини яна бир бор тасдиқлади.

Охирги икки йилда бизнес-миссиялар сони сезиларли ра-вишда ошди, бу жараёнларнинг географияси кенгайди. 2017 йил-да Ўзбекистон Россиянинг 70 та минтақаси билан алоқа ўрнатди, юртимизга Россиянинг 30 субъек-тидан 24 та бизнес-делегация ташриф буюрди ва уларда 200 дан зиёд Россия компания-лари вакиллари қатнашди. Тар-моқлар бўйича таҳлил қилсак, Ўзбекистондан Россияга экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун “яшил йўлак”-ни ишга тушириш, металлни қайта ишлаш, композит матери-аллар тайёрлашни йўлга қўйиш, шунингдек, автомобиль саноати ва бошқа соҳалардаги корхона-лар ўртасида ҳамкорлик ўрна-тишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан жорий йил 9 июнда Циндаодаги ўра-шуви чоғида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Россиянинг барча компаниялари билан ва ҳамма йўналишда ишончли, жиддий, аниқ иш олиб бормоқда. Бундан бир йил аввал ҳамкорлик йўна-лишини фақатгина нефть-газ со-ҳаси ташкил қилган бўлса, ҳозир-ги кунга келиб мамлакатларимиз ўзаро алоқа ўрнатмаган соҳанинг ўзи қолмади ҳисоб.

Россия тарафидан Ўзбекистон-да АЭС қурилишининг бошлани-ши икки давлат муносабатлари-да янги йўналишга асос солмоқ-да. Шубҳасиз, атом энергетика-сини ривожлантириш юртимиз энергетика сектори учун яқин йилларда энг долзарб масала-лардан бири бўлади. Республика Марказий Осиёда ўз АЭСига эга

бўлган биринчи мамлакатга ай-ланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги учун рақамли иқтисодиётни ривожлантириш со-ҳаси нихоятда истиқболли йўна-лиш ҳисобланади. Боиси икки мамлакат ҳам деярли бир вақт-нинг ўзида давлат учун муҳим са-налган ахборот технологиялари (ИТ)ни жорий этиш бўйича дас-турни амалга оширишга кириш-моқда. Хусусан, 2018 йилда Рос-сияда “Рақамли иқтисодиёт” ҳуку-дат дастури тасдиқланиб, уч йил-лик тадбирлар режаси ишлаб чи-қилди. Ўз навбатида, рақамлаш-тиришнинг янги босқичига кириб келаётган Ўзбекистонда жорий йил “Фаол тадбиркорлик, инно-

Ўзбекистон Россиянинг барча компаниялари билан ва ҳамма йўналишда ишончли, жиддий, аниқ иш олиб бормоқда. Бундан бир йил аввал ҳамкорлик йўналишини фақатгина нефть-газ соҳаси ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб мамлакатларимиз ўзаро алоқа ўрнатмаган соҳанинг ўзи қолмади ҳисоб.

вацион ғоялар ва технология-ларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди, мамлакат Президентининг АКТ соҳасини та-комиллаштиришга қаратилган қарорлари ҳаётга татбиқ этилди.

Икки мамлакат томонидан маз-кур соҳада белгиланган мақсад-ларни биргаликдаги саяё-ҳара-катлар асосида амалга ошириш мумкин бўлади. Рақамли иқтисо-диёт, технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш, почта алоқасини та-комиллаштириш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахас-сислар малакасини ошириш ва ИТ-мутахассисларни тайёрлаш шулар жумласидандир. Ушбу ва-зифаларни тўлақонли рўёбга чиқаришнинг имконияти бор.

Зеро, Ўзбекистон ва Россия кадрлар тайёрлаш жабҳасида ҳамкорлик қилиш учун алақадор мустаҳкам пойдеворга эгадир.

Учинчидан, икки давлатнинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ало-ҳида эътиборга лойиқ. Чунончи, ўзбекистонлик ёшлар Россия олий ўқув юртларида таълим

олишга қизиқади. Мазкур мамла-катда Ўзбекистондан бориб тах-сил олаётган талабалар сони 20 мингдан зиёд (Россиядаги хориж-лик талабаларнинг 8,6 фоизи). Талабалар орасида Россиянинг Тошкентдаги олий ўқув юртлари, жумладан, М. Ломоносов номи-даги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университе-ти ҳамда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети филиалларига талаб юқори. Маз-кур олий таълим муассасалари-да таҳсил олаётганлар сони икки мингдан ошади.

Жорий йилда Ўзбекистон ва Россия республикамиз ҳудудида Москва пўлат ва қотишмалар

да, хусусан, тинчлик ва барқарор-лиқни мустаҳкамлаш, терроризм ҳамда экстремизм, оммавий қир-гин қуроллари тарқалиши, гиёҳ-вандлик воситаларининг ноқону-ний айланмаси, янги таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш бўйича ўзаро фаол алоқаларни йўлга қўйган.

Бешинчидан, Ўзбекистон ҳамда Россия позициялари ўхшашлиги Марказий Осиёда барқарорлик-ни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда Афғонистон Ислом Респуб-ликасидаги вазиятни тинч йўл би-лан ҳал этиш масалаларида ҳам кузатиляпти. 2017 йил февралда бўлиб ўтган Москва анжумани-нинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон афғон ҳукумати ва бошқа халқро иштирокчилар билан ҳамкорликда жорий йил 26-27 март кунлари Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавф-сизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуйида-ги Тошкент конференциясини ўтказди.

Мазкур тадбир унинг барча қатнашчилари Афғонистонда Тинч-лик жараёнининг асосий прин-ципларини қабул қилиш ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси ва қуролли муҳолифат билан тўғридан-тўғри музокараларни йўлга қўйиш механизмини ишлаб чиқишга интилиш борлигини на-моён этди. Конференция чоғида Россия Федерацияси Ташқи иш-лар вазири Сергей Лавров қайд этиб ўтганидек, Россия Федера-цияси Ўзбекистон раҳбарияти-нинг ўз вақтида илгари сурган та-шаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон — Россия муносабатлари янги уфқ-лар сари ҳаракатланмоқда, икки давлат ўртасидаги алоқалар учун хос бўлган “стратегик шериклик ва иттифоқчилик” таърифи бугунги куннинг ҳолис, соф ҳақиқатидир. Бинобарин, Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги Марказий Осиё минта-қаси учун ҳам муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида бўлажак тадбирлар миқёсига эътибор берсак, унинг натижасида икки мамлакат ўртасидаги дўстона ва ўзаро ишончга асосланган ало-қаларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим давр бошланажга яққол намоён бўлади.

Милана БОЗОРОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақаларо тадқиқотлар институти бўлим раҳбари.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲАБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ

Инновацияларни давлат томонидан бошқариш — юртимизнинг бугунги тараққиётида энг долзарб вазифалардан. Боиси давлат иқтисодиётнинг хусусий сектори мустақил урдалай олмайдиган хавф-хатарларнинг бир қисмини ўз зиммасига олади. Давлатнинг молиявий ресурслари чекланган шароитда инновацион соҳадаги иқтисодий асосланмаган таваккалчиликни камайтириш учун инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг объектив мезонлари ва йўналишларини белгилаб олиш муҳимдир.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий исло-хотлар масалалари қўмита-си томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқару-ви академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкор-ликда ташкил этилган дав-ра суҳбати айни шу маса-лаларга бағишланди.

Таъкидланганидек, сано-атнинг юқори технологик тармоқлари субъектларида инновацион фаолиятни кор-поратив бошқариш тизими-нинг оқсани ривожланган мамлакатларнинг бу бора-даги тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодиёти учун муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга мазкур муам-мо самарали корпоратив бошқарув, инвестициявий ва инновацион фаолиятнинг бугунги ҳолатини, компа-ниялардаги корпоратив

бошқарув даражасини таҳ-лил қилиш, инновацион ме-нежмент соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб этади.

Бундан ташқари, техно-парклар, технополислар инновацияларининг янги шакллари ривожланти-риш орқали мамлакат иқти-содиётига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш, инвестициявий ва инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш усуллари-ни ўрганиш каби вазифа-ларни ҳал қилиш зарур. Та-раққий этган давлатлар-нинг амалиёти шундан да-рак бериб турибди.

Давра суҳбати якунида инновацион ривожланти-ришга доир қонун ҳужжат-ларига ўзгариш ва қўшим-чалар киритиш бўйича та-всиялар ишлаб чиқилди.

Мунисхон КАРИМОВА.

ДАСТУР БАЖАРИЛИШИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Нукус туманидаги “Тақирқўл” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Гулiston Есемуратова анча йиллардан бери ўзи мустақил ҳаракатлана олмайди. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг унга ногиронлик аравачаси топширилди. Яна ўн нафар шу тоифадаги фуқарога ҳам ана шундай аравачалар берилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга Тахياتош шаҳридаги санаторийга йўлланмалар тақдим этилди.

Маҳаллий Кенгашларда

Ишчи гуруҳ ўрганишларига қўра, туманда бандлик, коммунал хизмат, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва капи-тал қурилиш ҳамда бошқа соҳага доир 1281 муаммо аниқланиб, шундан 520 таси жойида ҳал этилди. Халқ депутатлари туман Кенга-ши сессиясида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилан олindi.

Айтиш жоизки, аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастурига мувофиқ, туманда жорий йилда 488 та иш ўрни ташкил этилган. Туман сектор раҳ-барлари йил якунига қадар бу борадаги кўрсаткиччи 1025 тага етказиш чораси-ни кўрмоқда. 2018-2019 йил-ларда эса қўшимча 2,1 мингта иш ўрни очил режалаштирилган.

Сессияда “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги вазифалар ижроси ҳам танқидий кўриб чиқилди. Бугун-ги кунда туманда 107 та бўш бино, қурилиши тугал-

ланмаган объект ва фойда-ланилмаётган ер майдонла-ри мавжуд. Уларни салоҳи-ятли инвесторларга имтиёз-ли шартларда, “ноль” харид қийматида бериш орқали янги ишлаб чиқариш кор-хоналарини ташкил этиш бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари, сектор раҳ-барлари ва тегишли мута-саддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Шунингдек, тўй-ҳашам-лар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга со-лишга оид талаблар ижроси таҳлил қилиниб, уларни миллий ҳамда диний қад-риятларимизга мос ҳолда, ортиқча дабдаба ва исроф-гарчиликсиз ўтказиш юза-сидан доимий мониторинг юритиш тизимини изчил йўлга қўйиш лозимлиги таъ-кидланди.

Сессияда кун тартиби-даги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 16 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисба-тан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 АҚШ доллари	8208,04	1 Хитой юани	1186,44
1 евро	9490,14	1 Сингапур доллари	5959,08
1 Россия рубли	123,85	1 Швейцария франки	8280,08
1 Англия фунт стерлинги	10796,86	1 БАА дирхами	2235,00
1 Япония йенаси	73,16	1 Миср фунти	458,55
1 Жанубий Корея вони	7,26	1 Австралия доллари	5841,66
1 Қувайт динари	27093,71	1 Туркия лираси	1398,04
1 Малайзия ринггити	1976,41	1 СДР	11468,77
1 Канада доллари	6303,69	1 Украина гривнаси	294,09
		1 Польша злотийси	2208,96

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Давлат ҳокимиятининг барча тизимида ижро интизомига қатъий риоя этилиши, аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига туртки беради.

Бугунги кунда ижро интизоми-ни таъминлаш мақсадида идора-лараро ягона электрон тизими жо-рий этилди. Вазирликлар, идора-лар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар “lrgo.gov.uz” тизимига уланди. Айни пайтда у орқали давлатимиз раҳбарининг фармонлари, қарор-лари ва топшириқларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши бўйича тест режимида тизимли назорат олиб борилаётир.

Очмгини айтиш керак, яратил-ган қулайликларга қарамай, айрим вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро интизоми назоратини си-фатли ҳамда самарали ташкил қилиш, шунингдек, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қўйлаётган чора-тади-бирлар ҳамон талаб даражасида йўлга қўйилмапти.

Ижро жараёнининг тадрижий назорати, уудаланган вазифалар сарҳисобининг ягона ҳамда му-каммал тизими мавжуд эмас.

Мисол учун, 2016 йил декаб-ридан шу кунга қадар давлатимиз раҳбари томонидан 2800 дан ортиқ Фармон, қарор, фармойиш ва баённомалар имзоланган. Улардаги топшириқлар эса қарийб 22 мингтани ташкил қилади. Аммо айрим вазирлик ва идоралар, ма-ҳаллий давлат ҳокимияти орган-лари ҳамда бошқа ташкилотлар-нинг ижро интизоми лозим дара-жада йўлга қўйилмагани сабабли ушбу топшириқларнинг маълум бир қисми бажарилмай қолмоқ-да.

Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мус-тахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мавжуд муаммоларга ечим топиш, шунингдек, имзоланган ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини назо-рат қилиш тизимини тақомиллаш-тиришда муҳим ўрин тутди.

Эндиликда давлатимиз раҳбари-нинг ҳужжатлари ва топшириқла-рининг тўлиқ ҳамда мuddатида ижро этилишини таъминлашга

2016 йил 14 декабрдан буён

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2800 та Фармон, қарор, фармойиш ва баённомалари қабул қилинган;

21895 та топшириқ берилган.

йўналтирилган мутлақо янги ти-зимга ўтилади. Ҳўш, унинг маъ-мун-моҳияти нималардан иборат?

Дилшод МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъул ходими:

— Янги тизимга киритилган ахборотлар, аввало, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чи-қарилади. Ушбу топшириқ бажари-лди, деб ҳисоблангандан кей-ин Ҳисоб палатаси томонидан назорат тартибида ўрганилади. Ўрганиш давомида топшириқлар

қарор билан татбиқ этилади-ган яна бир янгилик шуки, 2019 йил 1 январдан эътиборан республика ва ҳудудлар даража-сидаги мажлис ҳамда йиғилишлар тадбирнинг мақсади, натижалари ҳақидаги қайдлар “lrgo.gov.uz” ти-зимига киритилганидан сўнг амалга ошириладиган бўлди. Давлат раҳбари имзолаган ҳуж-жат ва топшириқларнинг бажари-лиши бўйича маълумотлар ҳам “lrgo.gov.uz” тизимига joyлашти-риб борилади. Бу эса давлат органлари ва ташкилотларда қонунлар, Президент ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорла-рининг ижросини махсус журнал ҳамда ҳисоб варақаларида

ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИМИЗДАН РЕКОРД НАТИЖА

Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилган III ёзги Параолимпия ўйинларида спортчиларимиз **35** олтин, **24** кумуш ва **18** бронза — жами **77** медални қўлга киритди.



Фахр

Кеча Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида нуфузли мусобақа ғолиб ҳамда совриндорлари тантанали кутиб олинди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари, спортчиларнинг оила аъзолари ҳамда яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор туфайли жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намойён этиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Натижада вакилларимиз Паралимпия ҳамда Параолимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларда катта ғалабаларга эришмоқда. Бунга Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бўлиб ўтган III ёзги Параолимпия ўйинлари ҳам яқол мисолдир. Унда мамлакатимиз атлетлари умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади.

Шу ўринда эсга олиб ўтиш жоизки, бундан тўрт йил олдин Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ташкил этилган Параолимпия ўйинларида ҳамюртларимиз 31 медаль (22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза) жамғаришган эди. Демак, бу гал мутлақ рекорд натижа қайд этилди ва Ўзбекистон учун энг яхши кўрсаткичлардан бири сифатида спортимиз тарихига кирди.

Мусобақада янги номлар, чемпионлар кашф этилди. Жумладан, баландликка сакраш (эркаклар, оёқ ампутацияси) бўйича Темур Гиязов, узунликка сакраш (аёллар, қўл ампутациясида) Камола Абдуллаева, найза улоқтириш (аёллар, қўл ампутациясида) Розия Эргашева, ядро улоқтириш баҳсларида Бобур Омоновни мисол қилиб келтириш мумкин.

Беллашулар давомида Хусниддин Норбеков ўзи учун янги йўналиш ҳисобланган ядро улоқтиришда жаҳон рекордини ўрнатди. Бунгача рекорд 2008 йилги Паралимпия ўйинларида қайд этилганди.

— Нуфузли мусобақада ғалаба қозониш катта бахт, — дейди у. — Бир йўла жаҳон рекордини ўрнатган ҳолда зафар кучиш эса икки ҳисса хурсандчилик бағишлайди. Бизни қўллаб-қувватлаган халқимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Паралимпия ўйинлари рекордини

янгиланганимдан хурсандман. Жаҳон чемпионатида қўлга киритган юқори натижаларимиз мамлакатимизда биз, ёшларга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир. Биз ҳар қадамда, ҳар қандай мусобақада ана шу меҳр ва ғамхўрликни чуқур ҳис қиламиз. Бу бизга катта куч-ғайрат бағишлайди.

Осиё ўйинларида қўлга киритган натижамиз Ўзбекистонлик спортчиларни яна икки йилдан сўнг Токиода бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ишлари тўғрисида қўйилганидан далолатдир. Зеро, бу каби мусобақалар энг асосий спорт байрами учун муҳим тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.

— Чемпион бўлишни мақсад қилганим ва ана шу ниятимга эришдим, — дейди пауэрлифтинг бўйича Параолимпия ўйинлари ғолиби Роза Кўзиева. — Бу бутун ўзбек халқининг муваффақиятидир. Чунки давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши, халқимизнинг эъзозу эътибори туфайли биз, спортчилар шундай юқори натижаларга эришмоқдамиз. Келгусида яна янгидан-янги марраларни эгаллаймиз.

Тадбирда сўз олган спортчилар, уларнинг ота-оналари юртимизда спортга қаратилган эътибор, яратиб берилаётган шароитлар учун Президентимизга миннатдорлик билдиришди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳақимов сўзга чиқди.

Азамат МУРОДОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ТАЪМИНОТДАГИ УЗИЛИШЛАРНИНГ САБАБИ НИМАДА?

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориغا асосан, ҳудудларда мавсумга ҳозирлик ҳал қилувчи босқичга кирди.

— Бу борада 41 банддан иборат чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, — дейди виллоят ҳокимлиги sano-атни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги қотибияти мудир Ақбар Ниёзов. — Шунингдек, белгиланган тадбирларнинг сифатли бажарилишини тўлиқ таъминлаш, жойларда штабларни ташкил этиш, ҳар бир уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида шахар ва туманларда ҳудудий ишчи гуруҳлар бириктирилди.

Виллоятда кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юмушларининг асосий қисми Навоий кон-

металлургия комбинати ҳис-сасига тўғри келади. Боиси унча йирик — Навоий, Зарафшон ва Учқудук шаҳарларида, асосан, қончилар ва уларга хизмат кўрсатувчи ижтимоий соҳа ҳодимлари истикомат қилади.

Мавсум

Жорий мавсум режасига кўра, комбинат томонидан куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриш мақсадида белгиланган иссиқлик тармоқларининг 4,9 километрида реконструкция ва мукамал таъмирлаш, 233,5 километрида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Учқудук туманидаги марказий қозончаларнинг жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, Зарафшон шаҳридаги марказий қозонхонада у ниҳоясига етказилмоқда.

«Қиш ўчоғи тор», дейди халқимиз. Бинобарин, сўнгги йилларда ушбу фасл инжиқликлари ва аномал об-ҳаво жиддий тайёргарликни тақо-

зо этмоқда. Виллоятда мавсумга ҳозирлик кўриш билан боғлиқ чора-тадбирлар дастури шу муносабат асосидаги ялпи тафтиш ҳулосалари билан тuzилган.

Сўнгги тафтишлар ва фуқароларнинг муножаатлари асосида кўп хонадонли турар-жой фондини 2018/2019 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида 58,3 минг кв.м. том қисми ўрнига амалда 109,5 минг кв.м. мукамал таъмирланди. Бунда ҳар бир кўп қаватли уй мавсумга «ер-туладан — томгача» тамойили асосида тайёрланди. Жумладан, йўлақлар, йўлак эшик-қарор ишлашга тайёрлаш қисмини таъмирлаш, болалар майдончалари қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Негаки, қишнинг беташвиш ўтиши ана шу каби тайёргарлик юмушларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига боғлиқ.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Агробанк» қулай ва даромадли бўлган «МЕНИНГ ЮРТИМ» омонат турини таклиф этади!

- ✓ **омонат фоизи — йиллик 18 фоиз**
- ✓ **омонат муддати — 13 ой**

Омонат очиш учун талаб қилинадиган энг кам маблағ — 5 миллион сўм.
Омонатга маблағлар нақд пул ёки пластик карта орқали қабул қилинади.
Ҳисобланган фоизлар учун тўловлар ҳар ойда нақд пулда ёки пластик картангизга ўтказиб берилади.

«Агробанк» омонатлари Сиз учун!

www.agrobank.uz
Тел.: 71 203-88-88.

/AgrobankChannel
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
Хизматлар лицензияланган.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки

Жиззах виллоятининг туманларида кредит маблағлари ҳисобидан қурилаётган НМТМ объектлари бўйича қурилиш ишларини назоратдан ўтказиш юзасидан **манлов эълон қилади.**

Танловда қатнашиш учун қуйидагилар талаб этилади:

- ушбу фаолият бўйича иш олиб бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- тижорат тақлифи.

Тақлифлар 2018 йил 25 октябрь кuni соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 71 241-76-21, 71 244-76-47.

Веб сайт: www.trustbank.uz **Телеграм канал:** @trustbank_channel_1 **Фейсбук:** facebook.com/trustbank.uz **Инстаграм:** instagram.com/trustbank_uz

Хизматлар лицензияланган.

ООО «Butlash Garant Servis»
предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: 97 760-86-00, 90 370-86-86.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни такдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35, С-57
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — **39 700** сўм/п.м.
- 0,5 мм. — **49 800** сўм/п.м.
- 0,45 мм. — **45 500** сўм/п.м.
- 0,7 мм. — **71 000** сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — **53 200** сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — **57 600** сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: **90 996-96-63, 99 871-88-99.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Ешлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита
раисининг ўринбосари Рўзи Тўйчиевич Саидова отаси
Тўйчи САИДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 186 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71 233-52-55;
Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.